

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

412 Тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси
Марказий банкида депозитга ўтказиладиган маж-
бурий резервлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
9 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2004*

(2009 йил 9 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, 12-сон, 247-модда) ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й.

Ахборотномаси, 1996 йил, 5-6-сон, 54-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 28 июлдаги ПҚ-1166-сонли қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 30-31-сон, 343-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида депозитга ўтказиладиган мажбурий резервлари тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг «Тижорат банклари томонидан Марказий банкда мажбурий захираларни депонентлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг янги таҳририни тасдиқлаш тўғрисида»ги 2004 йил 31 декабрдаги 28/5-сонли қарори (рўйхат рақами 1444, 2005 йил 18 январь), (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 3-4-сон, 27-модда);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг «Тижорат банклари томонидан Марказий банкда мажбурий захиралар фондига депонентлаш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги 2005 йил 20 августдаги 18/3-сонли қарори (рўйхат рақами 1444-2, 2005 йил 17 сентябрь), (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 37-38-сон, 289-модда).

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб бир ой ўтгандан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 15 август,
23/8-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг
2009 йил 15 августдаги 23/8-сонли қарорига
ИЛОВА

**Тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси
Марказий банкида депозитга ўтказиладиган мажбурий
резервлари тўғрисидаги
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, 12-сон, 247-модда) ва «Банклар ва банк

фаолияти тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил 5-6-сон, 54-модда) қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини қўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 28 июлдаги ПҚ-1166-сонли қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 30-31-сон, 343-модда) мувофиқ тижорат банклари (кейинги ўринларда — банклар) томонидан мажбурий резервларни ҳисоблаш ва Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкида (кейинги ўринларда — Марказий банк) депозитга ўтказиш тартибини белгилайди.

Мазкур Низом талаблари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган барча банкларга татбиқ этилади.

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

мажбурий резервлар — банклар томонидан Марказий банкдаги ҳисоб-вараққа мажбурий тартибда миллий ва хорижий валютада депозитга ўтказилган пул маблағлари;

резерв шакллантириладиган мажбуриятлар — банкларнинг ушбу Низомнинг 1-иловасида рўйхати келтирилган, мажбурий резервлар ҳисоб-китобига киритилган миллий ва (ёки) хорижий валюталардаги мажбуриятлари;

мажбурий резервлар нормативи — Марказий банк томонидан банкнинг резерв шакллантириладиган мажбуриятларига нисбатан фоиз ҳисобида ўрнатиладиган мажбурий резервларнинг энг кам миқдори;

ҳисоб-китоб даври — биринчи куни сешанбадан бошланиб, охири куни душанбада тугайдиган ўн тўрт календарь кунидан иборат бўлган мажбурий резервларни ҳисоблаш даври;

сақлаш даври — биринчи куни пайшанбадан бошланиб, охири куни чоршанбада тугайдиган ўн тўрт календарь кунидан иборат бўлган мажбурий резервларни сақлаш даври.

2. Мажбурий резервлар нормативи Марказий банк Бошқаруви қарори билан ўрнатилади ва резерв шакллантириладиган мажбуриятларнинг тури ва муддатига боғлиқ бўлади.

3. Жисмоний шахслар ва бошқа банкларнинг депозитлари резерв шакллантириладиган мажбуриятлар таркибига киритилмайди.

4. Мажбурий резервлар бўйича банкларга фоизлар тўлаш ҳақидаги қарор Марказий банк Бошқаруви томонидан республика иқтисодиётидаги жорий ҳолат, банк тизими ликвидлиги ҳолати ва монетар сиёсатнинг асосий йўналишларидан келиб чиққан ҳолда қабул қилинади.

5. Банкнинг бошқа давлатлар ҳудудида рўйхатга олинган бўлинмаларининг мажбурий резервларини ҳисоблаш ва депозитга ўтказиш ушбу давлатлар қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

Мажбурий резервлар миқдори ҳисобланаётганда тегишли баланс ҳисоб-варақларидаги банкнинг хорижий давлатдаги филиали ёки шўъбасига оид маблағлар қолдиқлари чегириб ташланади.

6. Хорижий валютада жалб қилинган маблағлардан ҳисобланган мажбурий резервларни депозитга ўтказиш, миллий валютада ёки хорижий валютада (ҳисобот кундаги Марказий банк томонидан хорижий валютанинг сўмга нисбатан белгиланган алмашув курси бўйича) амалга оширилади. Хорижий валютада маблағларни мажбурий резервларга депозитга ўтказиш АҚШ доллари, евро, Англия фунт стерлинги, Швейцария франки ва Япония иенасида амалга оширилиши мумкин.

Банк, зарурат туғилганда, Марказий банкнинг рухсати билан мажбурий резервларни сақлаш даврида мажбурий резервларда сақланаётган миллий валютани хорижий валютага, хорижий валютани миллий валютага, алмаштириш кундаги Марказий банк курси бўйича эквивалент суммада алмаштириши мумкин.

II. Мажбурий резервларни ҳисоблаш ва депозитга ўтказиш тартиби

7. Ҳар бир ҳисоб-китоб даврининг тугаши билан банклар ушбу Низомнинг 2-иловасига (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига депозитга ўтказиши лозим бўлган мажбурий резервлари миқдори ҳисоб-китоби) мувофиқ шаклда Низомнинг 3-иловасидаги услубий кўрсатмалар асосида Марказий банкка депозитга ўтказилиши лозим бўлган мажбурий резервлар миқдорини ҳисоблашни амалга оширадилар.

Марказий банкка депозитга ўтказилиши лозим бўлган мажбурий резервлар миқдори мажбурий резервлар нормативини резерв шакллантириладиган мажбуриятларнинг ҳисоб-китоб давридаги ўртача миқдорига кўпайтириш орқали ҳисобланади.

Резерв шакллантириладиган миллий ёки хорижий валютадаги мажбуриятларнинг ўртача миқдори ҳисоб-китоб даврининг ҳар бир куни учун резерв шакллантириладиган мажбуриятлар ҳисобварақларининг тегишли валютадаги қолдиқларини жамлаш ва ушбу суммани ҳисоб-китоб давридаги календарь кунлари сонига бўлиш орқали аниқланади.

Байрам ва дам олиш кунлари учун ушбу байрам ва дам олиш кунларидан олдинги охириги иш кунининг резерв шакллантириладиган мажбуриятлар ҳисобварақларининг баланс қолдиқлари олинади.

8. Мажбурий резервлар ҳисоб-китобини Марказий банкка тақдим қилиш ва қўшимча равишда мажбурий резервлар ҳисобварағига депозитга ўтказиш лозим бўлган суммаларни ўтказиш банклар томонидан ҳисоб-китоб даври тугаган кундан кейинги уч иш куни мобайнида амалга оширилади ва ушбу ўтказилган суммадаги резерв маблағлари сақлаш даврида сақланади.

9. Мажбурий резервларга ортиқча маблағлар ўтказилганлиги ҳолати юзага келганда, мажбурий резервлар ҳисоби тақдим этилгандан кейин, ҳисоб-

китоб тақдим этилган кунни ҳисобга олмаганда, икки иш куни мобайнида ортиқча маблағ Марказий банк томонидан банкка қайтарилади.

10. Мажбурий резервлар ҳисоб-китоби тижорат банклари томонидан Марказий банкка электрон почта орқали йўлланиши шарт. Ҳисоб-китоб банкнинг раҳбари ва бош бухгалтери (ёки уларнинг вазифаларини бажарувчи шахслар) томонидан электрон рақамли имзо билан имзоланиши лозим.

11. Банклар томонидан мажбурий резервларга депозитлар уларнинг 10309 — «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкдаги мажбурий захира ҳисобварағи»дан Марказий банкда 21312 — «Резидент банкларнинг мажбурий захира ҳисобварағи»га мемориал ордер билан қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали ўтказилади:

Дт 10309 — «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги мажбурий захира ҳисобварағи»

Кт 21312 — «Резидент банкларнинг мажбурий захира ҳисобварағи».

12. Банкларнинг 10309 — «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги мажбурий захира ҳисобварағи» баланс ҳисобварағи қолдиғи Марказий банкдаги 21312 — «Резидент банкларнинг мажбурий захира ҳисобварағи»даги маблағлар қолдиғига тенг бўлиши лозим.

III. Банклар томонидан резерв талаблари бажарилиши устидан Марказий банк назорати

13. Банклар томонидан резерв талаблари бажарилишининг тўғрилиги улар томонидан тақдим этиладиган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида депозитга ўтказилиши лозим бўлган мажбурий резервлар миқдори ҳисоб-китоби ва банкнинг баланс ҳисоботи асосида текширилади. Мазкур ҳужжатлардаги маълумотларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлиги Марказий банк томонидан банклар фаолиятини текшириш вақтида кўриб чиқилади.

14. Банк томонидан ушбу Низомнинг 8-бандида белгиланган мажбурий резерв талаблари бажарилмаган тақдирда Марказий банк «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуннинг 29-моддасига мувофиқ ўтказиб берилмаган маблағ суммасини ҳамда ўтказиб берилмаган суммадан қайта молиялаш ставкасининг икки баравари миқдорида жарима сўзсиз тартибда ундириб олинади.

IV. Якуний қоида

15. Марказий банк томонидан банк фаолиятини амалга ошириш учун берилган лицензия қайтариб олинган тақдирда Марказий банк 3 кунлик муддатда тугатиш комиссиясининг сўровномасига асосан банк мажбуриятлари бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун аввал депозитга ўтказилган маблағларни тугатиш комиссияси ҳисобварағига қайтаради.

Тижорат банкларининг
Ўзбекистон Республикаси Марказий
банкда депозитга ўтказиладиган мажбурий
резервлари тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Тижорат банкларининг Марказий банкда резерв
шакллантирадиган мажбуриятлари
РЎЙХАТИ**

Баланс ҳисоб- варағи рақами	Резерв шакллантириладиган мажбуриятлар номлари
20203	Республика қарамоғидаги бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари
20204	Маҳаллий бюджет қарамоғидаги бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари
20205	Бюджетдан ташқари фондларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари
20207	Республика йўл жамғармасининг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари
20208	Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари
20210	Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларининг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари
20212	Нодавлат нотижорат ташкилотларининг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари
20214	Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари
20216	Банк бўлмаган молиявий муассасаларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари
20218	Якка тартибдаги тадбиркорларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари
20296	Бошқа миқозларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари
20403	Республика қарамоғидаги бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича жамғарма депозитлари
20404	Маҳаллий бюджет қарамоғидаги бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича жамғарма депозитлари
20405	Бюджетдан ташқари фондларнинг жамғарма депозитлари
20408	Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларнинг жамғарма депозитлари
20410	Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларининг жамғарма депозитлари
20412	Нодавлат нотижорат ташкилотларининг жамғарма депозитлари
20414	Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарнинг жамғарма депозитлари
20416	Банк бўлмаган молиявий муассасаларнинг жамғарма депозитлари
20418	Якка тартибдаги тадбиркорларнинг жамғарма депозитлари
20496	Бошқа миқозларнинг жамғарма депозитлари
20603	Республика қарамоғидаги бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича муддатли депозитлари

Баланс ҳисоб- варағи рақами	Резерв шакллантириладиган мажбуриятлар номлари
20604	Маҳаллий бюджет қарамоғидаги бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича муддатли депозитлари
20605	Бюджетдан ташқари фондларнинг муддатли депозитлари
20608	Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларнинг муддатли депозитлари
20610	Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларининг муддатли депозитлари
20612	Нодавлат нотижорат ташкилотларининг муддатли депозитлари
20614	Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарнинг муддатли депозитлари
20616	Банк бўлмаган молиявий муассасаларнинг муддатли депозитлари
20618	Якка тартибдаги тадбиркорларнинг муддатли депозитлари
20696	Бошқа мижозларнинг муддатли депозитлари
21202	Бошқарув (менеджер) чеклари
22604	Мижозларнинг бошқа депозитлари — жамғарма — мақсадли
22606	Мижозларнинг импорт билан боғлиқ тратта ва ёки траст ҳужжатлари билан кафолатланган аккредитивлар бўйича депозитлари
22608	Мижозларнинг қимматли қоғозлар билан бўладиган операциялар бўйича маблағлари
22610	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги
22612	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги орқали амалга ошириладиган ўтказмалар
22620	Корпоратив пластик карточкалар бўйича мажбуриятлар
22622	Юридик шахсларнинг ўз ваколатхоналари ва филиаллари таъминоти учун ажратган маблағлари
22624	Савдо корхоналарининг мақсадли маблағлари
22626	Корхона ва ташкилотларнинг мақсадли маблағлари
22696	Бошқа депозит мажбуриятлари
23404	Республика қарамоғидаги бюджет муассасаларининг маблағлари
23424	Капитал қўйилмаларни маҳаллий бюджетлардан молиялаштириш
23426	Маҳаллий бюджет маблағлари — туман/шаҳар
23430	Маҳаллий бюджет маблағлари — вилоят
23432	Маҳаллий бюджет маблағлари — Қорақалпоғистон Республикаси
29801	Мижозлар билан ҳисоб-китоблар
29842	Ҳаракатсиз депозит мажбуриятлари
29846	Талаб қилиб олинмаган бошқа кредит қолдиқлари
29896	Бошқа мажбуриятлар

Тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси
Марказий банкида депозитга ўтказиладиган мажбурий
резервлари тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

412-модда

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига депозитга ўтказиши лозим бўлган
мажбурий резервлари миқдори
ҲИСОБ-КИТОБИ**

_____ банки бўйича 20__ й. «___» _____ дан «___» _____ гача бўлган давр учун

№	Резерв шакллантириладиган мажбуриятлар	Баланс ҳисобварақлари	Резерв шакллантириладиган мажбуриятларнинг ўртача миқдори		Мажбурий резервлар нормативи, фоизларда	Депозитга ўтказиладиган маблағлар миқдори
			миллий валютада	хорижий валютада		
	А	Б	В	Г	Д	Е
1.	Талаб қилиб олингунча сақлана- диган депозитлар	20200 минус 20202, 20206				
2.	Жамғарма депозитлар	20400 минус 20402, 20406				
3.	Муддатли депозитлар	20600 минус 20602, 20606, жадвалнинг 4 ва 5-қатори				
4.	Юридик шахсларнинг муддати 1 йилдан 3 йилгача бўлган depo- зитлари	20600 (минус 20602, 20606) ҳисобварақ- нинг тегишли қисми				
5.	Юридик шахсларнинг муддати 3 йилдан ортиқ бўлган депозитлари	20600 (минус 20602, 20606) ҳисобварақ- нинг тегишли қисми				
6.	Бошқариш (менеджерлик) чеклари	21202				

минг сўмда

— 58 —

37 (381)-сон

минг сўмда						
№	Резерв шакллантириладиган мажбуриятлар	Баланс ҳисобварақлари	Резерв шакллантириладиган мажбуриятларнинг ўртача миқдори		Мажбурий резервлар нормативи, фоизларда	Депозитга ўтказиладиган маблағлар миқдори
			миллий валютада	хорижий валютада		
	А	Б	В	Г	Д	Е
7.	Мижозларнинг бошқа депозитлари	22600 минус 22602, 22614, 22618, 22628				
8.	Республикага бўйсунувчи бюджет ташкилотларининг маблағлари	23404				
9.	Маҳаллий бюджетдан молиялаштириш	23424				
10.	Маҳаллий бюджет маблағлари — туман/шаҳар	23426				
11.	Маҳаллий бюджет маблағлари — вилоят	23430				
12.	Маҳаллий бюджет маблағлари — Қорақалпоғистон Республикаси	23432				
13.	Мижозлар билан ҳисоб-китоблар	29801				
14.	Депозит мажбуриятлари — ҳаракатсиз	29842				
15.	Бошқа кредитлар — талаб қилинмаган қолдиқлар	29846				
16.	Бошқа мажбуриятлар	29896				
17.	Резерв шакллантириладиган мажбуриятларга тааллуқли сатрлар жами					
18.	Нақд пул захираси	10102				
19.	Бошқа активлар (Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасига конвертация учун йўналтирилган мижозларнинг маблағлари)	19997				

минг сўмда						
№	Резерв шакллантириладиган мажбуриятлар	Баланс ҳисобварақлари	Резерв шакллантириладиган мажбуриятларнинг ўртача миқдори		Мажбурий резервлар нормативи, фоизларда	Депозитга ўтказиладиган маблағлар миқдори
			миллий валютада	хорижий валютада		
	А	Б	В	Г	Д	Е
20.	Сақлаш даврида мажбурий резервларда сақланиши лозим бўлган жами маблағлар					
21.	Ҳисобот санасида мажбурий резервларда сақланаётган маблағлар	10309				
22.	Мажбурий резервлар ҳисобварағига қўшимча равишда депозитга ўтказиш ёки Марказий банк томонидан қайтарилиши лозим бўлган маблағлар					

Банк раҳбари:

Бош бухгалтер:

Тижорат банкларининг
Ўзбекистон Республикаси Марказий
банкада депозитга ўтказиладиган мажбурий
резервлари тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

**«Мажбурий резервларга депозитга ўтказиладиган маблағлар
ҳисоб-китоби» жадвалини (ушбу Низомга 2-илова) тўлдириш
бўйича услубий кўрсатмалар**

Умумий кўрсатмалар:

Ҳисоб-китоб электрон почта орқали берилиши лозим.

Жадвал катаклари бўш қолдирилмаслиги керак. Агар ахборот бўлмаса ноль кўрсатилсин.

Ҳисоб-китобда умумий сумма бутунлигича минг сўмда кўрсатилиши лозим. 500 сўм ва ундан кам бўлган сумма ҳисобга олинмайди (чиқариб ташланади), 500 сўмдан ортиқ бўлган сумма минггача яхлитланади.

Ҳисоб-китоб тузишда ҳам мусбат, ҳам манфий суммалар учраши мумкин.

Ҳисоб-китобни тузишда ҳар кунлик баланс ҳисоботи асосида ҳисобланадиган ўртача икки ҳафталик баланс маълумотлари акс эттирилиши лозим.

(В) Устун — Миллий валютадаги резерв шакллантириладиган мажбуриятларнинг ўртача икки ҳафталик қолдиғи. Бу устунда миллий валютадаги кўрсатиб ўтилган мажбуриятларнинг ўртача икки ҳафталик қолдиғи кўрсатилиши лозим.

(Г) Устун — Хорижий валютадаги резерв шакллантириладиган мажбуриятларнинг ўртача икки ҳафталик қолдиғи. Бу устунда хорижий валютадаги кўрсатиб ўтилган мажбуриятларнинг ўртача икки ҳафталик қолдиғи кўрсатилиши лозим.

(Д) Устун — Мажбурий резервлар нормативи. Бу устунда миллий ва хорижий валютадаги мажбуриятлар учун Марказий банк томонидан белгиланган мажбурий резерв нормативи фоизларда кўрсатилиши лозим.

(Е) Устун — Депозитга ўтказиладиган маблағлар суммаси. Қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$(Е) \text{ Устун} = (В) \text{ Устун} + (Г) \text{ Устун} / 100 \times (Д) \text{ Устун}$$

1-Сатр. Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар. Бу сатрда 20202 ва 20206 ҳисобварақлари қолдиқлари олиб ташланган ҳолда 20200 баланс ҳисобварағининг қолдиғи кўрсатилади.

2-Сатр. Жамғарма депозитлар. Бу сатрда 20402 ва 20406 ҳисобварақлари қолдиқлари олиб ташланган ҳолда 20400 баланс ҳисобварағининг қолдиғи кўрсатилади.

3-Сатр. Муддатли депозитлар. Бу сатрда 20602 ва 20606 ҳисобварақлари қолдиқлари ҳамда жадвалнинг 4 ва 5-сатрлари олиб ташланган ҳолда 20600 баланс ҳисобварағининг қолдиғи кўрсатилади.

4-Сатр. Юридик шахсларнинг муддати 1 йилдан 3 йилгача бўлган депозитлари. Бу сатрда 20602 ва 20606 ҳисобварақлари қолдиқлари олиб ташланган ҳолда 20600 баланс ҳисобварағи қолдиғидаги **юридик шахсларнинг муддати 1 йилдан 3 йилгача бўлган депозитлари** суммаси кўрсатилади

5-Сатр. Юридик шахсларнинг муддати 3 йилдан ортиқ бўлган депозитлари. Бу сатрда 20602 ва 20606 ҳисобварақлари қолдиқлари олиб ташланган ҳолда 20600 баланс ҳисобварағи қолдиғидаги **юридик шахсларнинг муддати 3 йилдан ортиқ бўлган депозитлари** суммаси кўрсатилади

6-Сатр. Бошқариш (менеджерлик) чеклари. Бу сатрда 21202 ҳисобварағи бўйича баланс қолдиғи кўрсатилади.

7-Сатр. Мижозларнинг бошқа депозитлари. Бу сатрда 22602, 22614, 22618 ва 22628 ҳисобварақлари қолдиқлари олиб ташланган ҳолда 22600 баланс ҳисобварағининг қолдиғи кўрсатилади.

8-Сатр. Республика қарамоғидаги бюджет муассасаларининг маблағлари. Бу сатрда 23404 баланс ҳисобварағининг қолдиғи кўрсатилади.

9-Сатр. Капитал қўйилмаларни маҳаллий бюджетдан молиялаштириш. Бу сатрда 23424 баланс ҳисобварағининг қолдиғи кўрсатилади.

10-Сатр. Маҳаллий бюджет маблағлари — туман/шаҳар. Бу сатрда 23426 баланс ҳисобварағининг қолдиғи кўрсатилади.

11-Сатр. Маҳаллий бюджет маблағлари — вилоят. Бу сатрда 23430 баланс ҳисобварағининг қолдиғи кўрсатилади.

12-Сатр. Маҳаллий бюджет маблағлари — Қорақалпоғистон Республикаси. Бу сатрда 23432 баланс ҳисобварағининг қолдиғи кўрсатилади.

13-Сатр. Мижозлар билан ҳисоб-китоблар. Бу сатрда 29801 баланс ҳисобварағининг қолдиғи кўрсатилади.

14-Сатр. Ҳаракатсиз депозит мажбуриятлари — Бу сатрда 29842 баланс ҳисобварағининг қолдиғи кўрсатилади.

15-Сатр. Талаб қилиб олинмаган бошқа кредит қолдиқлари. Бу сатрда 29846 баланс ҳисобварағининг қолдиғи кўрсатилади.

16-Сатр. Бошқа мажбуриятлар. Бу сатрда 29896 баланс ҳисобварағининг қолдиғи кўрсатилади.

17-Сатр. Резерв шакллантириладиган мажбуриятларга тааллуқли сатрларнинг жами. Бу сатрда 1 — 16 сатрларнинг (Е) устунидаги маблағларнинг жами кўрсатилади.

18-Сатр. Нақд пул захираси. Бу сатрда 10102 баланс ҳисобварағининг қолдиғи кўрсатилади.

19-Сатр. Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасига конвертация учун йўналтирилган мижозларнинг маблағлари. Ушбу сатр-

нинг (В) устунида ҳисоб-китоб даврида 19997 баланс ҳисобварағи орқали Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасига конвертация учун йўналтирилган маблағлар суммаси, (Е) устунида (В) устуни кўрсаткичининг мажбурий резерв нормативи кўрсаткичига кўпайтмасидан ҳосил бўлган сумма кўрсатилади.

20-сатр. Сақлаш даврида мажбурий резервларда сақланиши лозим бўлган жами маблағлар. Бу сатр қуйидаги формула орқали ҳисобланади.

$$20\text{-Сатр} = 17\text{-Сатр (Е) устуни минус } 18\text{-Сатр (В) устуни ва } 19\text{-Сатр (Е) устуни}$$

21-Сатр. Ҳисобот даврининг охирги санасида мажбурий резервларда сақланаётган маблағлар. Бу сатрда 10309 баланс ҳисобварағидаги қолдиқ кўрсатилади.

22-Сатр. Мажбурий резервлар ҳисобварағига қўшимча равишда депозитга ўтказиш ёки Марказий банк томонидан қайтарилиши лозим бўлган маблағлар.

Бу сатр қуйидаги формула орқали ҳисобланади.

$$22\text{-Сатр} = 20\text{-Сатр (Е) устуни минус } 21\text{-Сатр (Е) устуни}$$